

Райхон РАХИМОВА,

*Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари ходимларининг малакасини ошириш
бўйича ўқув курси директори*

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАМЛАТИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНО- ПОЛИТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ ДЖАДИДОВ

ANALYSIS OF THE SOCIO- POLITICAL ACTIONS OF THE JADIDS

Аннотация. Мақолада Туркистонда XX аср бошларида жадидларнинг маърифатпарварлик ижтимоий-сиёсий ҳамаиатлари таҳлил қилинган. Ушбу жараёнларнинг шаклланишини жадидчиликнинг дастлаб пайдо бўлган давридан бошлаб, Туркистонда таълим, фан ва адабиёт ўз аксини топган.

Калит сўзлар: жадид, маърифат, дин, дунё, ислоҳот, фан, тарғибот, соҳа, ижтимоий, сиёсат, таълим, маданият.

Аннотация. В статье анализируется общественно-политическая деятельность джадидов в Туркестане в начале XX века. Формирование этих процессов нашло отражение в образовании, науке и литературе Туркестана с первых дней джадидизма.

Ключевые слова: жадидизм, просвещение, религия, мир, реформа, наука, пропаганда, промышленность, социальный, политика, образование, культура.

Annotation. The article analyzes the social and political activities of the Jadids in Turkestan at the beginning of the twentieth century. The formation of these processes was reflected in the education, science, and literature of Turkestan from the first days of Jadidism.

Key words: jadidism, education, religion, peace, reform, science, propaganda, industry, social, politics, education, culture.

Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳамаиатлари XIX аср охири XX асрнинг бошларида Туркистон маърифатпарварлигида жиддий ўзгаришларни олиб келди. Айниқса, нафақат диний балки дунёвий фанлар соҳасида сезиларли ўсиш кузатилди. Бу эса, Туркия, Қрим, Германия, Англия каби мамлакатларнинг таълим тизими тажрибаси орқали тарғиб этиш ва ёшларни ўқитиш Туркистонда юқори таълим самарадорлари қатламини пайдо бўлишига туртки бўлди.

“Туркистонда жадидчилик таълимотининг вужудга келиши ва бундан кўзланган мақсад, бу аввало ўша давр зиёлилари томонидан илгари сурилган ижтимоий ҳодиса эди. Жадидчилик таълимотининг асосий негизи халқни ва ватанни мустабитликдан халос этиш эди. XIX асрда жаҳонда вужудга келган илмий инқилобларнинг натижасида таълим ва тарбияни янги босқичга кўтариш жараёни содир бўлди. Ўша даврда дунёда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар Туркистон зиёлилари онгига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Натижада Туркистонни мустақил давлатга айлантириш мақсадида жадидчилик таълимоти майдонга чиқди. Туркистон учун XIX асрнинг энг катта йўқотиши бу унинг Чор империяси томонидан босиб олиниши бўлди [1].

Жадидларнинг бош ғоялари маърифат орқали мустақилликка эришиш эди. Яна бир кўриниши эса, маърифат орқали тараққиётга эришиш бўлса, иккинчи томондан эса, у янги ҳаёт тарзи ислом маърифатини кўп асрлик анъаналарини унутмаган ҳолда, дунёвий фанларни жадид мактабларига олиб киришди.

Жадидларнинг маърифат ҳақидаги ғоялари Махмудхўжа Бехбудийнинг “Самарқанд” газетаси 1913 йил 30 июль сонидаги “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” мақоласида: “Хулоса, ҳар миллатни уламси, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва ҳавоизжи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона ағниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар”, деган фикрларини биз Шарқ ва ғарб маданият алоқаларининг таҳлили нафақат бу икки маданиятга қизиқиш туфайлигина эмас, балки миллат ёки давлатларнинг индивидуал

маданияти эгалари билан ишлашнинг тўғри йўллари аниқлаш ва ривожлантириш истаги билан боғлиқдир. Бунга эҳтиёж маълум даражада мамлакатлар ўртасидаги трансмиллий омилларни фаоллаштириш билан боғлиқдир. Қолаверса, замонавий дунёда янги маданий одатлар яъни, инсонпарварлик фазилатларини юксалтириш, ахборот ҳамда интеллектуал фаолият турларининг хилма-хиллиги, глобаллашув даврида жаҳонда янги маданий технологияларни фаол ривожланиши ва ёйилиши, халқаро иқтисодий фаолиятни ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари табиийки товар ва мол-мулкнинг трансчегаравий оқимларининг тобора ўсиши трансмиллий ташкилотларнинг ҳамда улкан корпорацияларнинг таъсири натижасида туғилмоқда.

Туркистонда жадидчилик Туркия, Кавказ орти ва Татаристоннинг маърифатпарварлик ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди. Жадид арабча “жадид” сўзидан олинган бўлиб, бу “янги” деган маънони англатади. Жадидлар ҳаракати дастлаб Қримда пайдо бўлган ва кейинчалик Туркистонга Исмоил Гапирали томонидан олиб кирилди.

Умуман олганда жадидчилик ҳаракати Туркистонни руслаштириш учун очилган рус-тузем мактабларига қарши қаратилган эди.

Тарих фанлари доктори, профессор Гого Аббасович Ҳидоятговга кўра, “1882 йилда Гаспринский Туркистонга келиб, мактабни ислоҳ қилиш масаласида генерал-губернатор Н.О.Розенбахга мурожаат қилди, лекин жавоб ололмади. 1893 йилда Гаспринский Бухоро амири Абдуллахонга янги услубий мактаблар ташкил этиш таклифи билан мурожаат қилди, аммо рад жавоби олди. Кейин у XIX аср охирида Ўрта Осиёда яшовчи Қрим татарларидан шу каби мактабларни яратишда фойдаланган. Мусулмонлар таълим тизимини модернизация қилишга интилган жадидлар Туркистонда янги услубий мактаблар очдилар” [2].

Жадидлар Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий оғирлигини англаганлар ва маърифат тарқатишнинг яна бир усули газета ва журналлар орқали миллатни маърифатини бойитиш ва тафаккури ҳамда сиёсий онгини ошириш мақсадида мақолалар чоп этиб турганлар. Матбуот орқали Туркистон

халқларининг сиёсий ва ижтимоий тафаккурини оширишга интилганлар. Бу ҳақда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини ўз олдига қўйган Убайдилла Хўжаев Қўқон, Андижон ва Наманганга бориб вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий ҳолатни ўрганиш уни бутун Туркистонда мусулмонлар хаддан ташқари оғир шароитларда яшаётганлиги ҳақида қайғули хулосага олиб келди [3].

Жадид мактабларида дастлабки даврларда татарлар томонидан яратилган дарсликлар билан бир қаторда маҳаллий маърифатпарварлар Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби муаллифларнинг дарсликларидан фойдаланила бошланди.

Жадидлар ўз мактабларидаги талабаларга амалий билимларни беришга интилишди. Янги усул мактаблари ўқув дастурларида ўқиш, ёзиш, арифметика, тарих, география, дин асослари каби фанлар катта ўрин эгаллаган.

Жадидлар ўз мактабларидаги бошланғич таълим тизимини Европа таълим тизими андозаларига мослаштиришга ҳаракат қилганлар ва тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилдилар. Бу ижтимоий асосда халқни маърифатини оширишга хизмат қили. Ўша даврда кўпайиб бораётган жадид мактаблари Чор ҳукумати, амалдорлар ва ўша давр мутассибларни хавотирга солди, сабаби жадидлар маърифат орқали Туркистонда ислом маърифати орқали таълим маданиятига янги “нафас” олиб киришга интилаётган эдилар.

Туркистонда жадид маърифатпарварлик ислохотларининг иккинчи босқичи ўзининг ҳам ижтимоий ҳам сиёсий қарашлари билан Чор россиясини сиёсий имтиёзлар беришга интиаётгани учун ҳам хавфли сифатида қаралган.

Абдулла Авлоий, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунаввар Қори Абдурашидхонов маърифат орқали мутассибларнинг жоҳиллигига қарши курашдилар. Бу улар томонидан очилган жадид мактабларининг таъсири асосида амалга оширилди.

Хусусан, уларни дастурлари ва ўқитиш усуллари ўз навбатида, исломни ниқоб қилиб олган Сайдриддин Айнийнинг “Эски мактаб” [4] ҳикоясида келтирилган дунёвий фанларни ўрганишни кескин қоралайдиганларнинг қаршилигига учради.

Бу ўз навбатида ўша даврнинг мутассиб диний уламулари жадидларга қарши чиқдилар. Мутассиб диндорлар маърифатпарвалик ислохотларга каттиқ қаршилиқ кўрсатар, жадидларнинг ислохотларини шариат қонунларига қатъий нотўғри деб қаршилиқ кўрсатишар эди.

Жадидлар томонидан янги усул мактабларида диний таълимга ҳам яхши эътибор берилган эса-да, мутассиб диндорлар жадидларни мусулмонларни ўқитиш услубидан узоқлашишда айбладилар.

Туркистонинг ижтимоий-маданий тараққиётини ислохотлар орқали янги ҳаёт йўлига олиб чиқиш учун жадид раҳбарлари нафақат таълим соҳасида, балки адабиёт, матбуот, дин ва санъат соҳасида ҳам бир қатор ислохотларни таклиф қилишди.

Жадидлар ахлоқ, эътиқод, адолат, соғлиқни сақлаш, аёлларнинг аҳволини, ҳаётнинг барча соҳаларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ғояларини илгари сурдилар.

Жадидларнинг Туркистон тарихини ҳам замонавийлаштиришга ҳаракат қилган эдилар. Бунга мисол қилиб, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойна” журналининг 38 сониди “Туркистон тарихи керак” мақоласида, “Миллатни тарихини Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун “Туркистон тарихи” бор бўлганда тарихий ҳаттоликларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандидан умид қилмоқдамиз”, деб ёзган фикрини мисол келтиришимиз мумкин [5].

Самарқанд жадидчилиқ мактабининг ислохотчиларининг етакчиларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий, консерваторларнинг муқаддас китоб ҳам, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари ҳам тарихга алоқаси йўқ деган даъволарининг ёлғонлигини исботлашга ҳаракат қилди. Унинг сўзларига кўра, Куръон таркибининг чорак қисми тарихий маълумотлардан иборат. Бошқа таҳлилчилар ҳам муқаддас Ислом китобининг тарихийлигини таъкидлашди.

Бошқирд олими профессор Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970) Бошқирдистон жадидчилиқ мактаби ривожланишига катта

таъсир кўрсатди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Фарғона жадидлари билан яқин алоқада бўлган. Унинг туркийлари тарихини билиш “Турк ва татар тарихи” номли китоби орқали Туркистон халқларида ҳам катта таассурот қолдирди.

Миллий фалсафанинг ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий, сиёсий ва маданий тараққиётида “XIX асрнинг сўнгги ва кейинги юз йилликнинг бошланиш даври ғоявий-назарий ва мафкуравий шаклланишининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Туркистонда ўша пайтда турли маънавий-ғоявий ва мафкуравий оқимлар – қадимчилар, жадидчилар, ислохотчилар, бедилчилар, машрабхонлар, шунингдек, Марказий Осиё, умуман туркий халқларга тааллуқли бўлган тафаккурнинг турли шакллари ҳамда ижтимоий-фалсафий мазмун ва йўналишга эга бўлган “Чигатой гурунги” каби анча етук йиғинлар, улар илгари сурган маърифий таълимотлар, назариялар мавжуд эди” [6].

Туркистонликларда янгича қарашни шаклланишига Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” песьаси катта рол ўйнайди.

Бу соҳада М.Бехбудий, А.Самадов, А. Фитрат, Чўлпон, А. Бадри, Н.Қудратулло, Абдулла Қодирий, Ҳамза, А. Авлоний, Ҳ. Шукрулло ва бошқалар машҳур бўлган.

1910-1917 йилларда драма ва театр жадидчилиқ ғояларининг асосий воситаси бўлган. Жадидлар театрининг олти йиллик фаолияти давомида йигирма бешга яқин спектакллар яратилган бўлиб, уларда турли хил ҳаётий муаммолар акс эттирилган. Уларнинг қарашлари чекланган, спектакллари бадиий жиҳатдан мукамал эмас эди, аммо шунга қарамай, улар кескин ижтимоий йўналишга эга эдилар, бойларнинг очкўзлиги, муллаларнинг ахлоқсизлиги ва таъмағирлиги, пулга ўч амалдорларнинг шариатга қарши ҳар қандай жиноятларга тайёр эканини масҳара қилишарди. Улар тўй, урф-одат ва маросимларда турли кўринишга эга бўлган хурофотларни кескин танқид қиладилар.

Жадид маърифатпарвар адабиётшунослари ўз нашрларида маст қилувчи ичимликлар истеъмол қилишни, зинокорлик ва аёлларга нисбатан тенгсизликни қоралайдилар. Матбуотда жадидлар уруш, ижтимоий ва

ахлоқий таназзул, жамиятнинг табақаланишига қарши чиқдилар, халқ оммасини маърифатли қилиш йўлида ислохотларни ўтказдилар.

Бухорода жади́длар иккита «Бухаро-и шариф» газетасини тожик тилида ва «Турон» газетасини ўзбек тилида нашр этдилар.

1913 йилдан Бехбудий раҳбарлигида Самарқандда “Самарқанд” газетаси нашр этила бошлади. 45-сондан кейин нашр молиявий қийинчиликлар туфайли тўхтаб қолди. Шундан сўнг Бехбудий Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон ва Туркияда тарқатилган «Ойна» номли журнал чиқара бошлади.

Дастлаб, ислохотчи газета ва журналлар жади́д мактабларидаги ўқувчиларни дунё аҳолиси ва географияси, жаҳон тарихи, хориж илмий ва технологик кашфиётлари ҳақида хабардор қилишга интилдилар. Жади́длар араб, турк, татар ва урду тилларида нашр этилган китоблар ва даврий нашрларнинг шарҳларини бердилар. Шундай қилиб, жади́д матбуоти жамоат онгини XX аср даражасига кўтаришнинг энг муҳим вазифасини бажарди.

1915 йилларга келиб жади́длар муҳим ижтимоий-сиёсий мафкуравий йўналишга айланди. Уларнинг сафлари кенгайиб борилад эди. Ўша даврда Бухорода маҳаллий аҳоли орасида жади́дчилари Амир ҳокимиятига қарши муҳолифатда эди. Амирлик ва хонликдан норози бўлган жади́дларнинг тарафдорлари, Амир томонидан ҳукм сураётган зулмни чеклашга умид қилган.

Жади́длар ислом маърифатпарварлиги муҳити остида Туркистон маърифатпарварлигининг янги ислохотлари билан бойитган қиёфасини тубдан ўзгартиришга қодир ёшларни тарбиялаш бош вазифаси эди.

Рус шарқшунослари томонидан 1917 йилгача нашр этилган «Ислом олами» журналида улар жади́длар ҳақида шундай ёзганлар: «Бу “янги одамлар” нинг ҳаёт тарзи, қийими, суҳбати, фикрлари “эски” табақакларга ўхшамайди. Улар ҳанузгача номаълум бўлган сўзлардан фойдаланишган ва биз билан ҳали ёзилмаган нарсаларни ёзишган» [7].

Шундай қилиб, жади́дчилик ҳаракати ҳам ижтимоий-сиёсий руҳдаги таълим ва маданият соҳаларини камраб олди. Жади́д маърифатпарварлик ғояларида ислом маърифати ва дунёвий илм олиш ҳақида бебаҳо фикрлари

ўша даво таълим маданияти учун ғоят қимматли фикрлар эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ашурова Х.С. Самарқанд жади́дларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (xx асрнинг биринчи чораги). фалсаф доктори (PhD). Диссертация – 2020.
2. Хидоят Г.А. Менинг жонажон тарихим. – Т., 1990.
3. Брежнева С.Н. Передовая культура джаидов в Средней Азии в начале XX в. ВЕСТНИК ОГУ №10(92)/октябрь. 2008.
4. Садриддин Айний. Эски мактаб: Қиссалар; Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун/ Тўпловчи М. Ҳасанов/. — Т.: Юлдузча, 1988.
5. Бехбудий М. “Туркистон тарихи керак”. “Ойна” журнали. 1914. №38.
6. Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. –Т., 2013. 155-бет.
7. Мир ислама. 1917. 3-сон.